



Ш. РЎЗИНАЗАРОВ, С. ҚУРБОНҚУЛОВ

**МУСТАҚИЛ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ ҲАҚҚОНИЙ,
АДОЛАТЛИ, ДЕМОКРАТИК
САЙЛОВЛАРНИНГ КАФОЛАТИ**

ТОШКЕНТ – «O‘ZBEKISTON» – 2016

УЎК: 342.573
КБК 67.400.5(5Ў)
Ў 32

Рисолада Мустақил сайлов комиссиясининг ҳаққоний, адолатли, демократик сайловларни ташкил этиши ва ўтказишдаги роли ҳамда унинг фаолиятига оид қонунчиликнинг ривожланиш асосий принципларининг моҳияти ҳамда ваколатлари билан боғлиқ масалалар баён этилган.

Рисола сайловчилар, депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар вакиллари, сайлов комиссиялари аъзолари, кузатувчилар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-28-656-6

© Ўзбекистон Республикаси Марказий
сайлов комиссияси, 2016
© Ш. Рўзиназаров, С. Қурбонқулов, 2016
© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2016

КИРИШ

Мамлакатимизда демократик ислохотларни амалга оширишда ҳаққоний, адолатли, демократик сайловларнинг роли бекиёсдир. Халқ ҳокимиятчилигини демократик сайловларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мустақил Ватанимизда сайлов ҳуқуқини амалга оширишнинг реал механизми яратилганлиги ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг объектив омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлиқ демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаласидир¹.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда узлуксизлик таъмоийли асосида амалга оширилган изчил, босқичма-босқич ислохотлар натижасида демократик талабларга ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланишга оид конституциявий ҳуқуқи кафолатларини таъминлайдиган миллий сайлов тизими яратилди.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2010, – 35-б.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқида таъкидлаганидек, энг муҳим йўналишлардан яна бири жамиятимиздаги демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқаролик институтларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, сиёсий партияларнинг обрў-эътибори ва таъсирини ошириш, сайловчиларнинг овози учун рақобатни кучайтиришдан иборат¹.

Сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равишда очиқлик ва ошқоралик асосида ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган сайлов комиссияларининг мустақил тизими амал қилиши миллий сайлов тизимининг энг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Маълумки, 2016 йилнинг 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури тўғрисидаги қарори сайлов қонунчилигида назарда тутилган нормаларнинг ижросини таъминлашда ғоятда муҳим ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Даврий сайловларнинг ҳаққоний, адолатли, демократик талаблар асосида ташкил этилиши ва ўтказилиши Ўзбекистон миллий тараққиёт моделини изчил ва тадрижийлик асосида рўёбга чиқаришнинг муҳим шартидир.

Дарҳақиқат, бўлажак сайловлар жамиятни янада эркинлаштириш ва демократлаштириш жараёнидаги батамом янги шароитларда ўтказилиши билан аҳамиятлидир. Бинобарин, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти мустаҳкам ва барқарор ривожланиш босқичига кўтарилган ҳолда, аҳолининг турмуш фаровонлиги ва ҳаёт даражаси ҳам шунга яраша юксалиб, мамлакатимиз халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлмоқда. Энг муҳими, фуқаролар

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил, 9 сентябрь.

ҳаётининг сифати ва даражаси, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятини ҳамоҳанг юксалтиришга эришилмоқда. Сайлов ҳуқуқини амалга оширишнинг конституциявий механизмларини такомиллаштириш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда Марказий сайлов комиссиясининг роли кучайтирилмоқда. Қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар бирлашмалари ва сиёсий партиялар фракцияларининг қонунчилик асослари изчил такомиллаштирилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, Конституция ва бошқа сайловга оид қонун ҳужжатларидаги туб ўзгаришлар қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият фаолиятини янада демократлаштириш, сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлмиш партиялараро рақобатни кучайтиришга замин яратмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сайлов қонунчилигини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар сайловларни энг юқори демократик талаблар ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга қатъий мувофиқ равишда ўтказишнинг муҳим омили бўлди.

Давлатимизнинг Биринчи Президенти И. Каримов, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омили аввало, одамларимизнинг онгу мафкура-сида рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён атрофидаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси, сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётганлигини таъкидлади. Ҳеч кимга сир эмас, фақатгина ҳуқуқий давлат шароитида демократик тартибга эришилади ва шундай тартиб сақланади, демократик институтлар ва кадриятлар ҳаётга татбиқ этилади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, энг асосийси, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси амалда таъминланади¹.

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил, 6 декабрь.

Мамлакатимизда сайловларнинг самарали ҳуқуқий негизи яратилган бўлиб, сайлов тўғрисидаги қонунчилик миллий тажриба ва умумэтироф этилган халқаро нормалар инобатга олинган ҳолда, босқичма-босқич шакллантирилди. Ўзбекистонда ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари адолатлик, очиклик, ошкоралик ва транспарентликнинг демократик принциплари асосида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар, сиёсий партияларга сайлов кампанияси давомида кенг ва тенг имкониятлар яратишга қаратилган.

2014 йил 16 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни давлат ҳокимияти бошқа органларининг ҳеч қандай аралашмаслигини таъминлайдиган, давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўринга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилиши сайловларнинг демократик руҳда ўтишини ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, 2014 йилнинг 4 сентябридаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бундан ташқари, 2015 йилнинг 29 декабридаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»¹ги Қонунга

¹ Ўзбекистон Республикаси сайлов тўғрисидаги айрим қонунлари, / Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси – Тошкент, «O'zbekiston» НМИУ. 2016.

кўра, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги сайлов қонунчилигининг босқичма-босқич такомиллаштирилиб бораётганлигидан далолат беради.

Миллий сайлов қонунчилигимиздаги янги асослар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва сайловнинг бошқа субъектларидан ўз ишларини сифат жиҳатидан қайта кўриб чиқиш, уларнинг фаолияти ва ўзаро ҳамкорлигида замонавий талабларга жавоб берадиган янги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни тақозо этади.

Умуман, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва мамлакатимиз қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар миллий сайлов тизимининг демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар билан ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг равишда янада мустақамланишига хизмат қилади.

Ушбу рисолада мустақил Марказий сайлов комиссиясининг ҳаққоний, адолатли, демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказишдаги роли ва унинг фаолиятига оид қонунчиликнинг ривожланиши, асосий принциплари, моҳияти ҳамда ваколатлари тизимли равишда таҳлил этилиб, унинг мазмуни очиқ берилди. Мазкур рисола сайлов қонунчилигида рўй берган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда тайёрланди.

Рисола сайловчилар, депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар вакиллари, сайлов комиссиялари аъзолари, кузатувчилар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган бўлиб, муҳим амалий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида ва принципларига мос демократик сайлов тизимига конституциявий асос солинганлиги фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминламоқда. Ҳаққоний ва адолатли сайловлар демократиянинг муҳим кўрсаткичи, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шакли сифатида намоён бўлмоқда. Айниқса, Марказий сайлов комиссияси мустақиллигининг конституциявий мақомининг ривожлантирилиши демократик сайловни ташкил этиш ва ўтказишга қўйилган принципиал қадам бўлганлигини эътироф этиш жоиздир.

Мустақил давлатимизнинг Биринчи Президенти И.Каримов таъбири билан айтганда, фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий кадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар. Буни ҳаётимизнинг ўзи бугун исботлаб бермоқда¹.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш» Концепциясида белгиланган йўналишлар ва устувор вазифаларга мос ҳолда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётганлиги демократик ислохотларнинг қонунчилик асосларини янада ривожлантиришни таъминламоқда. Ўтган йиллар

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз—жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир. — Т.: Ўзбекистон, 2005. — 36-б.

мобайнида сайлов қонунчилигимизга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган, энг ривожланган демократик давлатлар тажрибасида ҳам камдан-кам учрайдиган мутлақ ваколатларнинг Марказий сайлов комиссиясига берилишини кўзда тутадиган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг киритилиши ўта муҳим аҳамиятга молик улкан воқеа бўлди. Сайлов қонунчилиги соҳасидаги демократик ислохотлар ҳам диалектик ва тадрижий жараён дир.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида яратилган сайлов тизими ҳам халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида ва принципларига тўла мувофиқ келади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида сайловга доир халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принциплари ўз ифодасини топди. Бунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлари ва минтақавий сайлов стандартлари муҳим ўрин тутди.

Айниқса, «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пакт, «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш тўғрисида»ги Европа конвенцияси, «Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш ҳақида»ги ҳамда «Аёлларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш ҳақида»ги халқаро конвенциялар, Парламентлараро Иттифоқнинг Кенгаши томонидан қабул қилинган «Эркин ва адолатли сайловларнинг мезонлари тўғрисида»ги Декларациясининг роли беқиёс дир. Бинобарин, Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) демократик сайловлар соҳасидаги асосий андозалари инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжатида назарда тутилган. ЕХХТнинг сайлов принциплари қуйидаги еттига тушунча – универсаллик, тенглик, эркинлик, адолатлилик, яширинлилик, очиклик ва ҳисобдорлик кабиларда ифодасини топган¹. Бу – ҳар бир

¹ ЕХХТнинг Инсонийлик мезонлари бўйича конференция Копенгаген Кенгашининг ҳужжати // Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Инсонийлик мезонлари. Хельсинки, 1975–1999. – 52-б.

овоз эътиборга олиниши ва фуқаро давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришга кўмаклашиши лозимлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими ва қонунчилиги қайд этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларига тўлиқ мос келади¹.

Миллий сайлов қонунчилигимизнинг хорижий мамлакатлар сайлов қонунчилигидан бир қатор афзаллик томонларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Мамлакатимизда барча сайлов ва референдумларни ташкил этиш ва ўтказиш учун мустақил орган, яъни Марказий сайлов комиссияси фаолиятини амалга оширишнинг конституциявий асослари яратилган. Дарҳақиқат, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, мамлакатимизда сайловларнинг доимий асосда фаолиятини амалга оширадиган мустақил ва ҳолис бир орган томонидан ташкил этилиши ҳамда ўтказилиши ғоятда муҳим аҳамият касб этади.

Миллий сайлов ҳуқуқининг ўзига хос бўлган, айрим ривожланган давлатлар сайлов тизимидан устун томонларидан бири – доимий ишлайдиган махсус ваколатли орган – Марказий сайлов комиссиясининг фаолият юритишидир. Бундай махсус сайлов органи фақат сайловлар даврида эмас, балки доимий тарзда фаолиятини амалга оширади.

Сайловларнинг қандай орган томонидан ташкил этилиши ва ўтказилиши борасида хорижий мамлакатларда турлича тажриба шаклланган. Мисол учун, Буюк Британия, Италия, Германия, Францияда сайловларни Ички ишлар вазирлиги ташкил этади, бунинг учун алоҳида идора тузилмайди. Лотин Америкаси мамлакатларида Марказий сайлов комиссияси вазифасини сайлов трибуналлари бажаради. Руминия, Мисрда эса бу вазифани амалга ошириш суд органларига

¹ Халқаро сайлов стандартлари ва Ўзбекистон қонунчилиги. / Масъул муҳаррир М. Абдусаломов / Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти нашриёти, Тошкент: 2014. – 78-б.

юклатилган. Бразилия, Польша ва Перуда сайлов органлари бўлиб ихтисослаштирилган суд органлари ҳисобланади¹. Швецияда эса сайловни ташкил этувчи орган сифатида ўзининг қарори билан хоҳлаган давлат органига, мисол учун Солиқ бош бошқармасига юкланиши мумкин. Аммо айрим давлатларда, масалан, Австралияда – Австралия сайлов комиссияси, Канадада – Федерал суд маъмурияти, Никарагуада эса олий сайлов кенгаши сайлов органи ваколатларини амалга оширади. Покистонда Марказий сайлов комиссияси Олий ва бошқа судлар раислари томонидан танланган уч судьядан иборат бўлади. Руминияда қуръа ташлаш йўли билан Олий суднинг 7 аъзоси Марказий сайлов комиссиясига танлаб олинади.

Ушбу ўринда шунини таъкидлаш лозимки, сайловларнинг мустақил сайлов органи томонидан ўтказилиши сиёсий бетарафлиги принципи билан узвий боғлиқдир. Бу принципнинг моҳияти шу билан изоҳланадики, сайловлар мустақил сайлов органи томонидан халқаро стандартларга ва амалдаги сайлов қонунчилигига мувофиқ тарзда ўтказилади ҳамда сайлов жараёнида ҳар қандай маъмурият ресурсларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Давлатнинг сиёсий бетарафлиги принципи «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида иштирок этувчи давлатларда демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари стандартлари тўғрисида»ги Конвенция² (Кишинёв, 2002 йил 7 октябрь), Парламентлараро иттифоқ кенгашининг 154-сессиясида қабул қилинган «Эркин ва адолатли сайловларнинг мезонлари тўғрисида»ги Декларация (Париж, 1994 йил 26 март), «ЕХХТда иштирок этувчи давлатларда демократик сайловлар ўтказиш бўйича амалдаги мажбуриятлар»

¹ Сравнительное избирательное право: Учебное пособие. – М.: Издательство НОРМА, 2003.

² Конвенция о стандартах демократических выборов, избирательных прав и свобод в государствах-участниках Содружества Независимых Государств // Центральная избирательная комиссия Российской Федерации. – М.: 2004. С. 166.

хисоботи¹ (Варшава, 2003 йил 30 июнь) каби халқаро ва минтакавий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш борасидаги вазифаларнинг босқичма-босқич ҳал қилиб борилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар демократик сайловларни ўтказишнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Сайлов тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини яратмоқда.

Қолаверса, сайловга оид қонунчилик фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳақидаги халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари мазмунига мос ҳолда такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари сифатида, энг аввало 1998 йил 30 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонун, шунингдек, 1998 йил 9 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги Қарорининг аҳамияти бекиёсдир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фуқароларнинг энг муҳим конституциявий ҳуқуқларини, яъни ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш орқали давлат ҳокимияти органларига сайлаш ва сайланишларини ҳамда вужудга келаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, давлат ҳокимияти таркибининг демократик усулларга таяниб тинч йўл билан алмашинувини таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

¹ Отчет ОБСЕ/БДИПЧ «Существующие обязательства по проведению демократических выборов в государствах – участниках ОБСЕ» // www.osce.org/odihr.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайловларни ўтказишга масъул бўлган ва уларни ташкилий-моддий жиҳатдан таъминлайдиган давлат органи бўлиб, давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўладиган сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш вазифасини бажаради.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуни 4-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари таъминлайди.

Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тузилади. Округ сайлов комиссияларининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тавсиясига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади. Участка сайлов комиссияларининг аъзолари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари тавсиясига биноан тегишли округ сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланади.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 19-моддасига кўра, Сайлов комиссиясининг мажлисларида комиссия таркибининг камидан учдан икки қисми иштирок этган тақдирда улар қонуний ҳисобланади. Комиссиянинг қарорлари очиқ овоз бериш орқали ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул этилади. Комиссия қарорига қўшилмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини айтишга ҳақлидирлар, бу фикрлар ёзма тарзда мажлис баёнига илова қилинади. Сайлов комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул этган қарорлари барча давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ижро этиши учун мажбурийдир. Сайлов комиссиясининг қарори ва ишидан норози бўлиб юқори сайлов комиссиясига, ушбу Қонунда кўзда тутилган ҳолларда эса судга ариза бериш мумкин. Сайлов комиссиясининг аъзоси комиссиянинг қарорига мувофиқ сай-

лов ўтказишга ажратилган маблағ ҳисобидан ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилиши мумкин. Сайлов комиссиясининг аъзоси шахсан берган аризасига мувофиқ, шунингдек ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин. Сайлов комиссиясининг аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш ҳуқуқига комиссияни тузган орган эга бўлиб, комиссия аъзоси ушбу Қонун талабларини бузган ёки ўз вазифасини мунтазам равишда бажармай келган тақдирда ўз ваколатларидан маҳрум этилади. Зарурат бўлганда сайлов комиссиясининг янги аъзоси ушбу Қонунда белгиланган тартибда тасдиқланади. Сайлов комиссияларининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари сайлов комиссияларига аъзо бўлиши мумкин эмас. Бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин. Оқруғ ва участка сайлов комиссиялари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг якунлари чиқарилганидан сўнг тўхтатади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузишда қонун чиқарувчи ҳокимият – Олий Мажлис иштирок этиши белгиланган. Чунончи, бу масала Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси ўн тўртинчи бандига мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига киради.

Маълумки, 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»¹ги Қонунга биноан, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қонунда Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014, 36-сон, 452-модда.

асосий принциплари белгиланди. Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясини тузиш, унга аъзолик, Марказий сайлов комиссияси ва Раисининг ваколатлари, Марказий сайлов комиссияси мажлисининг баённомаси каби моддаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди ва Марказий сайлов комиссияси аъзосининг гувоҳномаси деб номланган янги модда билан тўлдирилди.

Маълумки, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонун Марказий сайлов комиссияси фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Қонуннинг 1-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузилади ҳамда у ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига киритилган қўшимчага кўра, йигирма беш ёшга тўлган, қоида тарикасида, олий маълумотга, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ва давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловни, референдумни ташкил этиш ва ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган ҳамда камида охириги беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин. Оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизматининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларининг ходимлари, диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Марказий сайлов комиссияси-

нинг аъзоси бошқа сайлов комиссиясининг ёки сиёсий партиянинг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолигига номзод этиб, ишончли вакил этиб рўйхатга олинган Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси комиссия таркибидан чиқиб кетган деб ҳисобланади. Марказий сайлов комиссияси аъзосининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бевосита ёки уни аъзоликка тавсия этган органнинг тақдимномаси бўйича тўхтатилиши мумкин:

– у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда;

– у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда;

– унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

– у ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармай келган тақдирда.

Марказий сайлов комиссиясининг янги аъзоси «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунда белгиланган тартибда тасдиқланади. Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси комиссиянинг қарорига биноан унда доимий асосда ишлаши мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзолари илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари гувоҳномага эга бўлиши талаб этилади. Хусусан, мазкур Қонуннинг 4¹-моддасига кўра, Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси тегишли гувоҳномага эга бўлади. Марказий сайлов комиссияси Раиси ва унинг ўринбосарининг гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, Марказий сайлов комиссияси бошқа аъзоларининг

гувоҳномаси эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси томонидан имзоланади.

Мамлакатимизда яратилган миллий сайлов тизими халқаро талаб ва андозаларга жавоб бериши билан бир қаторда, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиб, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлашнинг муҳим гарови бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўзининг фаолияти давомида ҳаққоний, адолатли демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга даъват этилган ҳолда сайловларни умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мос ҳолда ўтказишда муҳим аҳамият касб этади ва бу борада фаолият юритиши учун етарли ташкилий-ҳуқуқий асосларга эга.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҳаққоний, адолатли, демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказишдаги ролининг янада оширилиши демократик тараққиёт учун хизмат қилади.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТИ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ

Мамлакатимизда демократик ислохотларнинг тизимли, босқичма-босқич, энг аввало инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётганлиги ҳаққоний, адолатли, демократик сайловларни ўтказишда муҳим ўрин тутаетди. Айниқса, Конституция ва қонунларда жамият ва давлатни бошқариш конституциявий принципларининг ифодаланиши фуқароларнинг ижтимоий ҳаётда эркин иштирок этишига замин яратмоқда. Давлатимизнинг Биринчи Президенти И. Каримов таъбири билан айтганда, сайловлар, авваламбор, Конституциямиз мезонлари ва принциплари, сайлов ҳақидаги қонунлар ва нормаларга тўлиқ жавоб берадиган ҳолда, эркин, очиқ ва ошқора,

четдан ҳеч қандай тазйиқ ва таъсир ўтказмасдан, холисона ва ҳалол, бир сўз билан айтганда, сайловчиларимизнинг эркин хохиш-иродасини намоён қиладиган тарзда ўтиши шарт¹.

Давлат ва жамият қурилишининг ҳозирги замонавий босқичи фуқаролик жамияти институтларининг жадал ривожланиб бориши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда янада фаол иштирокини, давлат органлари фаолиятида жамоатчилик назоратини таъминлашга узвий боғлиқдир. Бу эса, ўз навбатида, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари бориш бўйича амалга оширилаётган изчил давлат сиёсатининг натижасидир десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз. Шу маънода мамлакатимиз Конституцияси негизда кўйилган талаб ва қоидалар барча эришилаётган ютуқларимизнинг гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси конституциявий нормалари ривожланишининг янги даври Марказий сайлов комиссияси фаолиятини ташкил этишнинг асосий принциплари билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган янгиликка кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига ва бошқа қонунларга

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13 том. – Т.: Ўзбекистон, 2005. 99–100-б.

амал қилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими бўйича комиссия мажлисида сайланади¹.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини демократик шакллантиришнинг конституциявий устувор нормаларини ифодалаш имконини берди. Иккинчидан, улар фаолиятини ташкил этишнинг энг муҳим принциплари бўлмиш мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик принципларини илк мартаба Асосий Қонунда қатъий мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»²ги Қонунга кўра, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунга ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу Қонуннинг 2-моддаси биринчи қисмининг янги таҳририга кўра, Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат. Шунингдек, янги қонун билан «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонун 2¹–2⁵-моддалар билан тўлдирилди.

Мустақиллик принципи. «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига) Қонуни // Халқ сўзи. 2014 йил 17 апрель.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014, 36-сон, 452-модда.

комиссиясининг барча босқичларида қонунийлик принципининг таъминланиши демократик сайловларни халқаро стандартлар ва миллий сайлов қонунчилиги нормалари асосида ташкил этиш ва ўтказиш учун шароит яратади. Қонунийлик ва ижтимоий адолат принциплари узвий боғлиқ бўлиб, бу демократик сайловлар жараёнида ёрқин намоён бўлади.

Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг қонунийлик принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Конституция ва қонун устуворлигини назарда тутган нормаларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Асосий Қонуннинг 15-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига киритилган янгиликка кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик, номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш сайловолди ташвиқотини, референдумга кўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш, номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатиш, сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш учун жавобгарлик назарда тутилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 146-моддасида сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳамда 147-моддасида эса сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилишга бағишланган ҳуқуқий нормалар ўз ифодасини топган. Бу эса сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгар-

ликнинг муқаррарлигини таъминлашнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Коллегиаллик принципнинг маъносига кўра, Марказий сайлов комиссияси томонидан улар ваколатига киритилган барча масалалар яккабошчилик тарзида эмас, балки коллегиал равишда кўриб чиқилиб, ҳал этилади. «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунининг 2³-моддасига кўра масалаларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш Марказий сайлов комиссияси томонидан коллегиал тарзда амалга оширилади.

Коллегиаллик принципи ўзининг туб моҳиятига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси ваколатларига кирувчи масалаларни унинг барча аъзолари иштирокида ҳал қилинишини аниқлаб, жамият манфаатларига бўйсунушининг кафолати бўлиб ҳисобланади. Бу принципга риоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси мажлисларини ўтказиш тартибида ҳам яққол намоён бўлади. Ушбу принцип ҳам ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ваколатларига кирувчи масалаларни эркин муҳокама қилишда унинг барча аъзоларининг тенг иштирокини таъминлашни аниқлатади. Айнан шундай фаолият Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ваколатларини самарали амалга ошириш имконини беради. «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига кўра, Марказий сайлов комиссияси ишининг ташкилий кўриниши унинг мажлислари ҳисобланиб, улар заруратга қараб ўтказилади. Агар мажлисда комиссия аъзолари умумий миқдорининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, у ваколатли ҳисобланади. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари очиқ овоз бериш орқали, комиссия аъзолари умумий миқдорининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, Марказий сайлов комиссияси Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Ушбу Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, Марка-

зий сайлов комиссиясининг мажлисларида баённома юритилиб, у раислик қилувчи ва Марказий сайлов комиссиясининг котиби томонидан имзоланади. Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари алоҳида фикр билдиришга ҳақли бўлиб, бу фикр ёзма шаклда баённомага илова қилинади. Шунингдек, мазкур Қонуннинг 9-моддасида Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади. Бу қарорлар Раис томонидан имзоланади ва матбуотда эълон қилиниши лозим деб, белгиланган. Қайд этилган нормалар Марказий сайлов комиссияси фаолиятини коллегиял тарзда амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари бўлиб ҳисобланади.

Ошқоралик принципи. «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 2⁴-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини ошқора амалга оширади. Марказий сайлов комиссиясининг мажлислари очик ўтказилади. Марказий сайлов комиссияси мажлисларида сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан ва ҳаракатлардан кузатувчилар ҳозир бўлиши мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6-майдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»¹ги Қонунининг 1-моддасига кўра, ушбу Қонуннинг мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари: жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлаш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахс-

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014, 19-сон, 209-модда.

ларининг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятини ошириш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш тартибини белгилашдан иборат. Шунингдек, мазкур Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг асосий принциплари сифатида: улар томонидан тақдим этиладиган ахборотдан ҳамманинг фойдаланиши мумкинлиги, унинг ўз вақтида берилиши ва ишончлилиги; улар фаолиятининг ошқоралиги ва шаффофлиги; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этишда фуқароларнинг ўз шаъни ва кадр-қимматини тажовузлардан, ўз шахсий ҳаётига аралашувлардан ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, шунингдек фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқларига риоя этиш назарда тутилган. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига асосан, бутун сайлов кампанияси кенг ошқоралик асосида тузилади. Ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузишга, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов яқунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Тегишли сайлов комиссияларининг сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби тўғрисидаги, шунингдек депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов яқунлари ҳақидаги қарорлари матбуотда эълон қилинади.

Адолатлилик принципи нафақат миллий кадрият, балки ҳуқуқий кадрият ҳамдир. Бу принципнинг демократик тараққиётга эришишдаги роли жуда каттадир. «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги

Қонуннинг 2⁵-моддасига кўра, Марказий сайлов комиссияси номзодларни, сиёсий партияларни сайлов кампаниясини ўтказиш учун тенг шарт-шароитлар билан таъминлаш, сайловга, референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш учун ажратилган бюджет маблағларининг адолатли тақсимланишини, овоз беришнинг ва сайлов, референдум яқунларини чиқаришнинг ҳалол бўлишини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради.

Адолатлилик принципи конституциявий даражада ифодаланган принцип сифатида жамият ва давлатда ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашнинг бош мезони бўлиб ҳисобланади. Демократик сайловлар ҳам ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасига кўра, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади. Конституциявий нормалар ижтимоий адолатни қарор топтиришга айниқса, демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда мустақил ва холис орган бўлган Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг бош мезонидир. Шу боис Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини Конституция, сайлов ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиб амалга ошириш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этишининг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Бўлажак Президент сайловининг сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида мустақил Марказий сайлов комиссияси томонидан халқаро стандартларга мос келадиган даражада ташкил этилиши ва ўтказилиши мустақил демократик тараққиёт сари қўйилган шахдам қадам бўлишига ишончимиз комил. Мамлакатимизда ўтказиладиган ҳаққоний, адолатли, демократик Президент сайлови ҳам тарих зарварақларидан муносиб ўрин эгаллайди. Сайлов органи мустақиллигининг конституциявий ривожланиши халқнинг

Ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишда ғоятда муҳим омил бўлиб хизмат қилишига барча имкониятлар яратилган дейишга тўлиқ асослар мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, сайловлар миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этиб, ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг ҳал қилувчи шартидир.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ВАКОЛАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Ҳаққоний, адолатли, демократик сайлов жараёнининг энг муҳим кафолати мустақил сайлов органининг фаолият юритишидир. Мустақил мамлакатимизда доимий фаолият юритувчи мустақил органнинг фаолият юритиши сайловчиларнинг конституциявий сайлов ҳуқуқини рўёбга чиқаришда ғоятда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Давлатимизнинг Биринчи Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, «Модомики, демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш каби эзгу мақсад сари интилаётган эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлмиш эркин сайловларни муносиб ташкил этиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир»¹.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилиши миллий қонунчилик фаолиятида эришилган ғоятда муҳим ютуқдир. Мазкур конституциявий сайлов органи ўзининг бутун фаолияти билан сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга кўмаклашишга, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга даъват этилган

¹ *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт–пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000, 62-б.

мустақил орган сифатида қонуний ваколатларини самарали амалга ошириб келмоқда.

Сайлов органи деганда, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш ваколатига эга бўлган давлат органи тушунилади. Бундай орган ўз ваколати доирасида сайлов қонунчилигини ҳаётга татбиқ этишни таъминлайди. Бундай ваколатли орган сайлов бўйича овозларни ҳисоблаб чиқади ва унинг натижаларини расман эълон қилади. Сайлов органи фаолиятининг ўзига хос хусусияти биринчидан, бошқа органлардан мустақил асосда фаолиятини ташкил этишга асосланади, иккинчидан, мустақил сайлов органи ҳуқуқий мақоми бошқа органлардан тубдан фарқ қилади. Бундай сайлов органи ваколатлари бевосита сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш билан узвий боғлиқдир.

Сайлов органининг ваколатлари қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилади. Бундай махсус ваколатга эга бўлган органлар сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлиб ҳисобланади. Энг муҳими сайлов органи функциясига кирадиган масалаларни мустақил ва ҳеч кимнинг аралашувисиз ҳал қилади. Сайлов органининг фаолияти давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши ҳаққоний, адолатли, демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунга кўра, Марказий сайлов комиссияси қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни ўтказиш учун тузиладиган сайлов комиссияларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш учун тузиладиган референдум ўтказувчи комиссияларнинг тизимига бошчилик қилади, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов

ва Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисидаги қонунларнинг ижросини назорат қилади, уларнинг бир хил қўлланилишини таъминлайди;

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар юзасидан сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилади; сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлайди, сайлов ва референдумни ташкил этишга оид масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади, йўриқномалар чиқаради ҳамда низомларни тасдиқлайди ва тушунтиришлар бериб боради;

– сайлов округларини, референдум округларини тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради, чегараларини, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сонини кўрсатган ҳолда округлар рўйхатини эълон қилади;

– Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузуридаги тузилган сайлов участкалари ва референдум участкаларини қайси округларга бириктириш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

– округ сайлов комиссияларини ва референдум ўтказувчи округ комиссияларини тузади ҳамда уларнинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

– сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар таркибига ўзгартиришлар киритиш тартибини белгилайди;

– округ сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи округ комиссияларининг қарорларини, агар бу қарорлар сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунларга зид бўлса, мустақил тарзда ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилади; чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчиларига сайлов ва референдумга мандатлар беради;

– сайловга ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишнинг харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, пул маблағларини сайлов комиссияларига ҳамда референдум ўтказувчи комиссияларга, шу жумладан сиёсий партияларнинг сайловларда иштирок этишини молиялаштириш учун тақсимлайди, сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади, сайлов ҳамда референдумни моддий-техника жиҳатидан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

– сиёсий партияларнинг кузатувчилари, матбуот, телевидение, радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчиларига мўлжалланган мандат намунасини белгилайди;

– тақдим этилган ҳужжатлар асосида сиёсий партияларнинг сайловда қатнашишига ижозат бериш юзасидан қарор қабул қилади;

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади;

– Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича конференциясини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади;

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олади, рўйхатга олинган номзодларнинг рўйхатлари ва улар ҳақидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинишини уюштиради;

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сайловда иштирок этиши учун тенг шароитларни таъминлайди;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари сайловига доир сайлов бюллетенларининг ва сайлов варақаларининг, референдумда овоз бериш бюллетенининг, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар баённомаларининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг намуна ва шакллари, овоз бериш қутилариининг ҳамда сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар муҳрларининг намуналарини, ҳужжатларни сақлаш тартибини белгилайди;

– сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар, сиёсий партиялар, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг сайловга, референдумга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади;

– сайловнинг ва референдумнинг якуини чиқаради, Ўзбекистон Республикаси бўйича овоз беришнинг умумий натижаларини аниқлайди ҳамда овоз беришда иштирок этган сайловчилар ёки референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сони тўғрисидаги, ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони тўғрисидаги, референдумга қўйилган масалани ёқлаб ёки унга қарши берилган овозлар сони тўғрисидаги ахборотни матбуотда эълон қилади;

– қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда такрорий овоз бериш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатларининг ёки Сенати аъзоларининг такрорий сайлови ва бўшаб қолган ўринларга сайлови ўтказилишини ташкил этади;

– сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатларини, Сенатининг аъзоларини рўйхатга олади, шунингдек уларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади;

– сайловдан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг, Сенатининг биринчи мажлисини қонунда белгиланган тартибда чақиради;

– сайланган шахсга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома топширади;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати ва Сенатининг аъзосига тегишинча Қонунчилик палатаси депутатининг ҳамда Сенат аъзосининг гувоҳномаси ва кўкрак нишонини беради;

– сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари ҳамда хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

– Ўзбекистон Республикасининг сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунлари жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганлигига доир материалларни прокуратура органларига оширади;

– бошқа мамлакатларнинг сайлов органлари, халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни амалга оширади, чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг вакиллари билан учрашувлар ташкил этади, ҳамкорлик тўғрисида битимлар, меморандумлар тузади;

– хорижий мамлакатлардаги сайловларни кузатишда, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг миссиялари таркибида кузатишда иштирок этади;

– халқаро ташкилотларни, хорижий мамлакатларнинг сайлов органларини мамлакатимиздаги сайловларни кузатиш учун таклиф этади, ўз вакилларини кузатувчиларнинг миссиялари таркибига юборади;

– сайлов ва референдумни ташкил этиш, ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг архивга топширилишини таъминлайди;

– Марказий сайлов комиссиясининг Регламентини тасдиқлайди;

– жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни мустаҳкамлайди ва ривожлантиради;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, **Марказий сайлов комиссиясининг Раиси қуйидаги ваколатларни амалга оширади:**

– Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

– Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади, комиссиянинг аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

– Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида иштирок этиш учун давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг, ташкилотларнинг вакилларини ва бошқа мансабдор шахсларни таклиф этади;

– давлат органлари, халқаро ташкилотлар, жамоат бирлашмалари билан муносабатларда Марказий сайлов комиссияси номидан иш кўради;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов, шунингдек референдум яқунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига ахборот беради;

– Марказий сайлов комиссиясининг қарорларини ва бошқа ҳужжатларини имзолайди;

– Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағларни тақсимлайди ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилади;

– тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг биринчи мажлисини очади ҳамда Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси сайлангунга қадар унда раислик қилади;

– ушбу Қонунда ва бошқа қонунларда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси ўз ваколатларини бажаришининг имкони бўлмаган тақдирда, шунингдек Раис

бўлмаганида, Раиснинг вазифалари Раис ўринбосарига ёки Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан комиссия аъзоларидан бирига юкланади.

Марказий сайлов комиссиясининг ваколатларини амалга оширишда унинг ишини ташкилий кўриниши сифатида мажлислари муҳим ўрин тутади. Марказий сайлов комиссияси мажлисларида унинг ваколатига кирадиган масалалар кўриб чиқилади. Амалдаги қонунда мажлисларнинг қатъий муддати белгилаб қўйилмаган. Бу ҳол шундан далолат берадики, Марказий сайлов комиссияси ўзининг ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун мажлисларни заруриятга қараб ўтказиши мумкин бўлади. Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, мажлиснинг ваколатли бўлиши учун комиссия аъзоларининг қонунда белгиланган миқдорда иштирок этиши талаб этилади. Қонун талабларига кўра изоҳлайдиган бўлсак, агар мажлисда комиссия аъзолари умумий миқдорининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, у ваколатли ҳисобланади. Марказий сайлов комиссияси қарорлари очиқ муҳокама этилиб қабул қилиниши, ошқоралик принципини рўёбга чиқаришнинг ёрқин мисолидир. Яъни, Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари умумий миқдорининг оддий кўпчилик томонидан қарорни қабул қилишга овоз берса, у қабул қилинган ҳисобланади. Шундай ҳолатни ҳам назарда тутиш лозимки, овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Марказий сайлов комиссияси Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида баённома юритилади. Баённома ёзма тарзда тузилади. Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича тегишли қарорларни қабул қилишда баённома асос бўлиб хизмат қилади. «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунда рўй берган янгиликлардан бири, баённомани белгиланган тартибда имзолаш тартибига риоя этиш билан бевосита алоқадордир. Агар илгари баённома-

ни фақат раислик қилувчи томонидан имзолаш талаб этилган бўлса, эндиликда эса баённома раислик этувчи ва Марказий сайлов комиссиясининг котиби томонидан имзолаш тартиби жорий этилди.

Хусусан, Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида баённома юритилиб, у раислик қилувчи ва Марказий сайлов-комиссиясининг котиби томонидан имзоланади.

Бу ҳолат баённомани тузишда Марказий сайлов комиссияси котибининг масъулияти оширилганидан далолат беради. Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари алоҳида фикр билдиришга ҳақли бўлиб, бу фикр ёзма шаклда баённомага илова қилинади.

Марказий сайлов комиссияси ваколатларини амалга оширишда унинг томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг роли катта. «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига кўра, Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади, қарорлар Марказий сайлов комиссияси раиси томонидан имзоланади. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари улар қабул қилган пайтдан эътиборан кучга киради ва Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ўша куннинг ўзида, шунингдек, зарур бўлган ҳолларда, бошқа манбаларда эълон қилиниши лозим. Марказий сайлов комиссияси қарорларининг Раис томонидан имзоланиши ва белгиланган тартибда эълон қилиниши, унинг фаолиятининг очиклиги ва ошкоралигини таъминлашга хизмат қилади. Яъни Марказий сайлов комиссияси томонидан унинг ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлар билан барчанинг танишиб чиқиш имконияти яратилади. Бу эса ўз навбатида Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг очиклигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари сайлов қонунчилиги нормаларини амалиётда татбиқ этишнинг ҳуқуқий шакли бўлиб ҳисобланади. «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг талабларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси қарорларининг ижроси

мажбурий бўлиб ҳисобланади. Яъни, биринчидан, Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар округ ва участка сайлов комиссиялари ҳамда референдумни ўтказиш комиссиялари иккинчидан, сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат нотажорат ташкилотлари, учинчидан, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун бажарилиши мажбурийдир. Марказий сайлов комиссияси қарорларини ижро этмаслик тегишли ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51³-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур норманинг диспозициясига кўра, бундай жавобгарликка мансабдор шахсларни тортиш учун биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик ҳисобланса, иккинчидан, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш асос бўлади. Ушбу модданинг санкциясига кўра бундай маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган мансабдор шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Қайд этилганларга асосан таъкидлаш лозимки, қонунчиликка киритилган янги маъмурий чоралар нафақат Марказий сайлов комиссиясининг, балки сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини мажбурий тарзда ижросини таъминлашда муҳим ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилади.

Сайлов қонунчилигининг ўзига хос жиҳати Марказий сайлов комиссияси мурожаатларини кўриб чиқишнинг қисқа муддатларда жорий этилганлиги билан изоҳланади. Дарҳақиқат, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасига кўра, Марказий

сайлов комиссияси сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига, бошқа мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақли бўлиб, улар масалани кўриб чиқишлари ва уч кун ичида жавоб беришлари шарт. Шунингдек, қайд этилган Қонуннинг 12-моддасида Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан шикоят бериш тартиби ҳам ўз ифодасини топган. Яъни, Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят бериш мумкин. Шикоят тушган пайтдан эътиборан уч кун ичида, агар сайлов ёки референдумга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини таъминлаш учун унинг Котибияти тузилади. Котибият ишига Марказий сайлов комиссиясининг котиби раҳбарлик қилади. Котибиятнинг тузилиши, штатлари ва унинг иш тартибини Марказий сайлов комиссиясининг Раиси тасдиқлайди. Марказий сайлов комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби унинг Регламентида белгиланади.

Бизга маълумки, Марказий сайлов комиссияси ваколатларини амалга оширишда молиявий таъминлаш алоҳида ўринга эга. Сайлов қонунчилигимизни бу борадаги хусусияти айнан Марказий сайлов комиссиясини молиявий таъминлаш давлат маблағи ҳисобида амалга оширишда ҳам ёрқин намоён бўлади. «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига кўра, Марказий сайлов комиссиясини молиявий таъминлаш давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига алоҳида сатрда назарда тутилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ваколатларининг янада кенгайтирилиши ва улар ҳуқуқий мақомининг такомиллаштирилиши бўлажак ҳаққоний, адолатли, демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказишнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳаққоний, адолатли, демократик сайловларнинг ўрни бекиёсдир.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш халқаро сайлов стандартларига ва миллий сайлов қонунчилигига мувофиқ ҳолда кафолатланганлиги инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишни таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, эркин сайлов ва фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш принциплари, биринчи навбатда ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этади¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасига кўра, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Мазкур Конституциянинг 10-моддасида Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундан ташқари Конституциямизнинг 32-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқига эга эканликлари белгиланган. Ушбу конституци-

¹ *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. Т.: Ўзбекистон, 2010, 37-б.

явий норма моҳиятидан келиб чиқиб қайд этадиган бўлсак, фукаролар томонидан давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг асосий йўлларида бири, бу – сайловлардир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловни ташкил этиш ва ўтказиш ваколати конституциявий орган мақомига эга бўлган Марказий сайлов комиссиясига берилган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, аксарият ривожланган демократик давлатлар конституцияларида ҳам сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга ваколатли бўлган органлар ҳамда уларни ташкил этиш тартибини белгилайдиган маҳсус қоидалар учрамайди. Мамлакатимизда мустақил Марказий сайлов комиссияси фаолиятига оид нормаларнинг давлатимизнинг Асосий Қомусида назарда тутилганлиги ҳаққоний адолатли, демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Сайлов қонунчилигига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича мутлақ ваколатлар берилган. Бундай мақом сайловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида қонунийликни таъминлаш, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга замин ҳозирламоқда.

Бу эса ўз навбатида сайловларнинг демократик руҳда ўтиши, очиқлиги ва ошкоралигини ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий кафолатларидан бири бўлиб ҳисобланади.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятига оид қонунчиликнинг ривожланиши.....	8
Марказий сайлов комиссияси фаолияти асосий принципларининг моҳияти	17
Марказий сайлов комиссияси ваколатларини амалга оширишнинг қафолатлари	26
Хулоса	37

Ў 32 **Мустақил сайлов комиссияси ҳаққоний, адолатли, демократик сайловларнинг кафолати.** / Ш. Рўзиназаров, С. Қурбонқулов. /– Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2016. – 40 бет.

ISBN 978-9943-28-656-6

УЎК: 342.573
КБК 67.400.5(5Ў)

Ш. РЎЗИНАЗАРОВ, С. ҚУРБОНҚУЛОВ

**МУСТАҚИЛ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ
ҲАҚҚОНИЙ, АДОЛАТЛИ, ДЕМОКРАТИК
САЙЛОВЛАРНИНГ КАФОЛАТИ**

Мухаррир *А. Бобониёзов*
Рассом-дизайнер *Ш. Ходжаев*
Бадий муҳаррир *Х. Қутлуқов*
Техник муҳаррир *Т. Харитонов*
Мусаххих *М. Ишонхонова*
Кичик муҳаррир *Г. Ералиева*
Компьютерда тайёрловчи *Г. Қулназарова*

Наشريёт лицензияси АІ № 158, 14.08.2009.
Босишга 2016 йил 31 октябрда рухсат этилди. Бичими 60x90^{1/16}.
Офсет қоғози. «Times» гарнитурасида офсет усулида босилди.
Шартли босма табағи 2,5. Нашр табағи 2,32.
Адади 10 000 нусха. Буюртма № 16-711.

Ўзбекистон Маtbуот ва ахборот агентлигининг
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-84-20.
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz